

## Маҳр келининг мулкидир



15:06 / 24.06.2020 2373

Умму Ҳабиба розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«У киши Убайдуллоҳ ибн Жаҳшнинг хотини эдилар. Бас, у Ҳабашистон ерида ўлди. Шунда Нажоший уни (Умму Ҳабибани) Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга никоҳлаб берди. Маҳрига у зотнинг номларидан тўрт минг дирҳам берди. Сўнг у кишини Шураҳбил ибн Ҳасана билан бирга Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига юборди».

Абу Довуд, Насай ва Аҳмад ривоят қилганлар.

Шарҳ: Умму Ҳабиба – Рамла бинту Абу Суфён розияллоху анҳо эрлари Убайдуллоҳ ибн Жаҳш билан мусулмон муҳожирлар қаторида Маккадан Ҳабашистонга ҳижрат қилган эдилар.

Убайдуллоҳ ибн Жаҳш у ерда Исломни тарк этиб, масиҳий дийнига киради.

Умму Ҳабиба розияллоху анҳо Исломда собит қоладилар. Кейин Убайдуллоҳ ибн Жаҳш ўлади. Бу хабар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга етиб келганда Умму Ҳабиба розияллоху анҳонинг сабот-матонатларини тақдирлаб, мусийбатларини енгиллаштириш мақсадида у кишига уйланишга қарор қиладилар.

Шу мақсад билан Амр ибн Умайя аз-Заммарийни Ҳабашистонга юбордилар. У киши орқали Ҳабашистоннинг мусулмон бўлган подшоси Нажошийни Умму Ҳабиба онамизга уйланишда ўз вакиллари этиб тайинлаганларини билдирадилар. Ҳабашистондаги муҳожир мусулмонлар ичида Абу Суфённинг амакисининг Холид ибн Саъийд исмли ўғли бор эди. У киши Умму Ҳабиба розияллоҳу анҳонинг валийлари бўлди. Нажоший ҳаммани тўплаб, ишдан хабардор қилди. Кўпчиликнинг олдида Холид ибн Саъийднинг олдига маҳрга аталган тўрт минг дирҳам кумуш тангани тўқдирди.

Олдин Нажоший розияллоҳу анҳу, кейин Холид ибн Саъийд розияллоҳу анҳу хутба қилдилар. Ўша ердаги мусулмонларнинг гувоҳлигида никоҳ ўқилди. Кейин тўй маросими бўлиб ўтди.

Тўйдан кейин Нажоший розияллоҳу анҳу Умму Ҳабиба онамизни Шураҳбил ибн Ҳасана розияллоҳу анҳу билан бирга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига юбордилар.

Бу ҳодисадан маҳрни эрнинг вакили берса ҳам, хотиннинг валийси олса ҳам жоизлиги кўриниб турибди.

Аммо маҳрни валий қабул қилиб олгани билан у ҳеч қачон валийнинг мулкига айланиб қолмайди. Маҳр доимо келиннинг мулки бўлади.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**